
КОРЕЯНИНГ ЙИРИК АНА КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ ҚУВВАТЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Корейнинг АНА компанияси бошқарув кенгаши раиси Ку Ги Дони қабул қилди.

Учрашувда АНА компанияси томонидан режалаштирилаётган Фарғонада электромобилларни қувватлаш жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Суюқ кристалли дисплейлар ва доскалар, рақамли тиббиёт жиҳозлари ҳамда электромобилларни қувватлаш жиҳозлари ишлаб чиқаришда Корейнинг етакчи компанияларидан бири бўлган АНА, электромобилларни оммалаштириш бўйича Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда тадбиркорларга тақдим этилаётган имтиёзлар ҳамда Фарғонада хорижий сармоядорларга яратилган қулай шароитлардан фойдаланган ҳолда Фарғонада ўз инвестицион лойиҳасини амалга оширишга киришмоқда. Лойиҳа Экошаҳар ҳудудида ташкил этилаётган кичик саноат зонаси ҳудудида жойлаштирилиши режалаштирилмоқда.

Вилоят ҳокими электромобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини қисқартириш бугунги кун давлат сиёсатида муҳим ўрин тутаётганини таъкидлаб, лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга кўмак берилиши ва қўллаб-қувватланишини билдирди.

АНА компанияси инвестициялари ҳисобига Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида ташкил этилган корхонада ишлаб чиқарилаётган суюқ кристалли электрон доскалар Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бу маҳсулот турига бўлган талаб кун сайин ортиб бораётганига эътибор қаратган Хайрулло Бозоров, АНА компанияси бошқарув кенгаши раисига Фарғонада ҳам электрон доскалар ишлаб чиқаришни ташкил этишни таклиф қилди. Таклиф ижобий қабул қилинди ҳамда бу борадаги лойиҳа истиқболлари ўрганиб чиқиладиган бўлди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-04-26 21:35:08